

## ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ХИСОБРАҚАМЛАРИДАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ РОЗИЛИКСИЗ ВА АКЦЕПТСИЗ ЕЧИБ ОЛИШ АМАЛИЁТИ ҚОНУНИЙМИ?

Холтўраев Ғоибназар

“ESTE PRIME” адвокатлик фирмаси адвокат ёрдамчиси.

e-mail: [goibnazaragent@gmail.com](mailto:goibnazaragent@gmail.com)

Tel: +998 88 183 17 77

**Аннотация:** Жисмоний шахсларга тегишли пул маблағлари фақатгина унинг розилиги билан шунингдек суд қарори асосидагина акцептсиз ечиб олиниши мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолатда ечиб олинган пул маблағлари юзасидан ечиб олувчи ва васитачи тўлов ташкилотлари қонун олдида жавоб бериши шарт. Албатта бу ҳолат шартномада назарда тутилган бўлса томонлар шартнома асосида ҳаракат қилиши ҳуқуқига эгадирлар.

**Калит сўзлар:** пул маблағлари, қарз. Тўлов тизимлари, тўлов ташкилотлари, банклар, регулятор, акцепт.

**Abstract:** Funds belonging to individuals can be obtained only with his consent, as well as without an act on the basis of a court decision. In any other case, in connection with the withdrawn funds, the depositor and custodian payment organizations are obliged to respond to the law. Of course, the parties have the right to act on the basis of the contract if this situation is provided for by the contract.

**Keywords:** monetary obligations, property, creditors' claims, indebtedness, debt, funds, Payment systems, payment organizations, banks, regulator, acceptance.

### КИРИШ

Ҳозирги ривожланаётган дунёда қоғоз пуллар йўқолиб, унинг ўрнини банк карталари, виртуал ҳмёнлар ва биткоинлар эгаллаб бормоқда. Ана шундай шароитда сақланётган электрон ҳамёндаги пулларга киберхужумлар сони ортиб бормоқда. Ушбу киберхужумларни батараф этиш юзасидан ҳамда электрон сақланаётган пулларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ҳуқуқни муофза қилувчи органлар билан бир қаторда молия бозорини тартибга солувчи ташкилотлар, банклар бир хил даражада курашишмоқда.

Сўнги йилларда кузатилаётган тенденциялардан бири сифатида эса турли банклар ва молия ташкилотлари шунингдек тўлов ташкилотлари томонидан фуқароларга тегилши бўлган банк карталаридан шунингдек электрон ҳамёнлардан пул ечилиши оммалашиб бормоқда.

Қуйида тўлов тизимлари томонидан фуқаролар электрон ҳамёнларидан пул ечилишининг ҳуқуқий табиати ҳамда унинг камчиликлари тўғрисида муҳокама қиламиз.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон қонунчилиги бўйича фуқароларга тегишли ҳисобрақамлар(банк карталари, электрон ҳамёнлар)лардан фуқаро рухсатисиз ечиб олиш мумкинми деган саволга жавоб топиб олишимиз лозим .Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасида фуқароларга тегишли ҳисобрақамлардан пул ечиш масаласи келтириб ўтилган.

Унга кўра ” Банк ҳисобварақдан пул маблағларини мижознинг топшириғи асосида ўчиради.

Мижознинг топшириғисиз ҳисобварақда турган пул маблағларини ўчиришга суднинг қарори билан, шунингдек ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда белгилаб қўйилган ёхуд банк билан мижоз ўртасидаги шартномада назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади“.<sup>23</sup>

Юқоридаги моддани бирма бир шарҳлаб ўтадиган бўлсак, Умумий қоидага кўра одатда, маблағлар ҳисобварақдан фақат мижознинг топшириғига мувофиқ ўчирилиши мумкин.яъни бу ерда фақатгина мижознинг розилиги билан ёки ишончнома орқали розилик берган шахс орқали ўчирилишини назарда туюмқда.Бу норма барча учун тушунарли.

Энди юқоридаги қонуннинг иккинчи қисмида фуқаронинг розилигисиз қуйидаги ҳолларда ечилиши мумкинлиги келтириб ўтилмоқда:

- а) суд қарори асосида;
- б) ФК ёки бошқа қонун ҳужжатлари назарда тутилган ҳолларда;
- в) банк ва мижоз ўртасидаги шартномада назарда тутилган ҳолларда.

Мижознинг рухсатисиз пул маблағларини ечиш ёки ўчиришнинг суд қарорига асосан амалга ошириладиган қисмига эътибор берадиган бўлсак,тегишли умумюрисдиксия судларининг қарорлари қонуний кучга кирган ҳамда тегили Мажбурий ижро бюрolari иш юритувига олинганидан сўнг суд қарори ижро қилиниши лозимлиги назарда тутилган.Ушбу ҳолатда ҳам мижознинг ҳисобрақамидан банк ёки бошқа тўлов ташкилоти суд қарори билан мижоз ҳисобрақамидан пулни ўчиришни назарда тутмайди.

Яъни, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси<sup>24</sup>да қуйидагича норма мавжуд: “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (бундан буён матнда Мажбурий ижро бюроси деб юритилади) органларининг давлат ижрочилари зиммасига юклатилади, уларнинг ваколатлари ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади”.

Ушбу моддани шарҳлайдиган бўлсак, қонунчилигимизга кўра суд ҳужжатлари тўлиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддаси

<sup>24</sup> “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси



ижро бюроси томонидан амалга оширилиши мумкинлиги қатъий мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Бундан ташқари Мажбурий ижро органлари қарорлари асосида банк ташкилотлари ва бошқа молия ташкилотлари ижро ҳаркатларига қўмаклашиши мумкин. Бундай ҳолатда Мажбурий ижро бюроси қарорида берилган суммаларни миқдорларнинг ҳисобрақамларидан пул ечилиши мумкин. Яъни Мажбурий ижро бюроси давлат ижрочиларининг қарорлари бўлмаса ҳаттоки банклар ва тўлов тизимлари ҳам миқдорнинг ҳисобрақамларидан пул ечилиши мумкин эмас.

Афсуски, охириги 3-4 йил ичида банклар ва бошқа тижоратчи ташкилотлар томонидан руҳсатсиз миқдор ҳисобрақамларидан пул ечилишида давом этди. Бунинг ортидан 2023- йил охириги чорагида регулятор Марказий банк тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов тизимларидан "миқдорнинг розилигисиз ва уни огоҳлантирмаган ҳолда унинг картасидан кредит ва бошқа қарз тўловлари учун маблағларни акцептсиз ечиб олиш" амалиётига чек қўйишни қатъий талаб қилди. Марказий банк бошқаруви раиси ўринбосари томонидан имзоланган тегишли хат жорий 2023-йил йил 21 декабрь куни тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов тизимларига юборилган.

Хатда тижорат банклари томонидан фуқароларнинг банк карталаридан маблағларни масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали кредит тўловлари учун автоматик тарзда ҳисобдан чиқариш (автотўлов) жараёнларида амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилаётгани, бу борада бир неча бор муҳофафатлар келиб тушаётгани қайд этилган. Бундан ташқари, айрим банклар кредит таъминоти сифатида суғурта полиси олаётгани боис, ушбу кредитлар белгиланган муддатда қайтарилмаган тақдирда, суғурта ташкилоти тижорат банкига кредит қарздорлигини тўлиқ қоплаб бераётганлиги, натижада банкнинг мажбурият (кредит) бўйича қарз олувчига бўлган ҳуқуқлари суғурта ташкилотига ўтганлиги учун, суғурта ташкилоти қарз олувчининг банк карталаридан маблағларни акцептсиз тарзда ечиб олаётган ҳолатлар танқид қилинган. Хатда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига кўра, миқдорнинг топшириғисиз ҳисобварақда турган пул маблағларини ўчиришга суднинг қарори билан, шунингдек ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда белгилаб қўйилган ёхуд банк билан миқдор ўртасидаги шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Қарз олувчи билан суғурта ташкилоти ўртасида қарз олувчининг банк карталаридан маблағларни акцептсиз тарзда ечиб олиш юзасидан шартнома тузилмаган ва бундай ҳуқуқнинг нобанк ташкилотларига берилиши қонунчиликда ҳам кўзда тутилмаган. Бундан ташқари, айрим тўлов ташкилотлари томонидан суғурта ташкилотларини "Е-POS" махсус терминаллар билан таъминлаб берилганлиги натижасида, уларга қарз олувчиларнинг банк карталаридан маблағларни акцептсиз тарзда ечиб олишига имкон яратиб берилган. Бу эса, фуқаролар томонидан банк карталаридан фойдаланмасликка ёки карта ҳисобварағида пул маблағларини сақламасликка олиб келмоқда. (Марказий банк хатидан) Тижорат банклари томонидан фуқароларнинг банк карталаридан пул

маблағларини ушбу банк карталари эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминламаган ҳолда ҳисобдан чиқарилишига (шунингдек, бундай имкониятни суғурта ташкилотлари учун яратилишига) йўл қўйилганлиги фактлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилганлиги ҳолати деб баҳоланади ҳамда бундай қоидабузарликларга йўл қўйган тижорат банкларига нисбатан белгиланган тартибда чора кўрилишига сабаб бўлган.

Шунингдек, Марказий банк “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида”ги Низомга (№3030, 2018 йил 2 июль) мувофиқ, банк томонидан кредитлар, микроқарзлар ва лизинг бўйича қарздорликларни сўндиришда автотўлов усулидан фойдаланганда, банк кейинги иш куни ҳисобварақ (омонат, карта) эгасига маблағ қандай сабабларга асосан ва кимнинг фойдасига чиқарилганлигини кўрсатган ҳолда хабарнома (маълумотнома) юбориши шартлигини эслатиб ўтган. Шунингдек, бу борада тегишли кўрсатма хатлари ўтган йилнинг март ойида ва жорий йилнинг январь ойида тижорат банкларига юборилган.

Марказий банк тижорат банкларидан:

фуқароларнинг банк карталарини (тижорат банки билан тузилган ўзаро шартнома ёки оферта асосида) автотўлов хизматига уланиши тўғрисида СМС-хабарнома орқали ўз вақтида хабардор қилишни; •

автотўлов хизмати орқали амалга ошириладиган тўловларда “қайси кредит тўлови учун ва кимнинг фойдасига” ундирилаётганлиги ҳақида СМС тарзда банк карта эгасига хабарнома жўнатилиши ҳамда карта эгаси розилик берган тақдирда тўловни амалга ошириш механизмини яратишни;•

кредитлар бўйича қарздорнинг ва "кафил"нинг шартномада назарда тутилган тартибда банк картасидан пул ечилиш жараёнида унинг мобил рақамига “розилигини сўраш, юзасидан СМС-хабарнома юбориш ва ушбу хабарномада қайси ‘тўлов учун пул ечилиши тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумот кўрсатилиши ва унинг розилигини олган ҳолда тўловни амалга оширишни;•

хатарларни минималлаштириш ҳамда фирибгарликни олдини олиш мақсадида тижорат банклари ва тўлов ташкилотлари мобил иловадан фойдаланувчи сифатида рўйхатдан ўтишда, мобил иловага банк карталарини бириктиришда, микроқарз, кредит расмийлаштириш амалга оширилганда миждозларни идентификациялаш учун қўшимча тарзда Face ID механизмини жорий этишни;•

миждозларга микроқарз ва кредит ажратишда унинг яқин қариндошлари ёки таниш-билишларининг мобил рақамини тизимга киритишдан аввал уларнинг рақамларига тасдиқловчи код юбориш ва улар рози бўлганда жараёнларни давом эттиришни;•

банк карталаридан маблағларни акцентсиз тарзда ечиш жараёнида қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилинишини сўраган.Марказий банк юқоридаги топшириқлар ижроси назорати борасида шу йил 29 декабрга қадар Марказий банкка



ҳисобот тақдим этилишини талаб қилган, акс ҳолда қонунчиликка мувофиқ тўлов тизимларидан ўчириш ёки жарима санкциялари қўлланилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирган.

Юқоридаги ҳолат бўйича хулоса қилиб айтиш мумкинки, банклар ва бошқа тўлов тизимлари томонидан мижозларнинг ҳисобрақамларидан шартнома бўйича ёки қонун бўйича пул ўчирган ҳолатда ҳам жами ойлик даромадларининг 50 фоизи ва ундан кўпроқ қисмига дахл қилиши мумкин эмас деб ҳисоблаймиз. Молия ташкилотлари мижозларга микроқарзлар тақдим этилиши давомида мижозларнинг даромадларини ўрганиб чиқиши мутаносиб равишда кредит маблағлари тақдим қилиши мақсадга мувофиқдир.

#### REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1-қисм;
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 2-қисм;
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 3-қисм;
4. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига шарҳ:Профессонал шарҳлар. Т 2./Ўзбекистон Республикаси Адлиявазирлиги. — Тошкент: Vaktria press, 2013. 912 б.
- 5.